



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА БАҲОЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ

Бутонов Шаймардан

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0004-1998-7404

berdiyurovshaymardon@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада халқаро стандартлар асосида баҳоланган мажбурияларга таъриф, уни тавсифловчи жиҳатлар келтирилган. Унда 37-сон БҲХСда баҳоланган мажбурияларга доир асосий қоидалар, баҳоланган мажбуриятнинг бошқа мажбуриятлардан фарқли жиҳатлари, баҳоланган мажбуриятлар (резервлар)ни тан олиш тартиби, ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимолини баҳолаш даражалари аниқлаш тартиби, КРІ асосида рағбатлантириш бўйича баҳоланган мажбуриятни тан олиш бешта босқичдан иборат қадамлари тавсия этилди.

Калит сўзлар: баҳоланган мажбуриятлар, мажбурият туғдирувчи ҳодисалар, ҳуқуқий мажбуриятлар, юзага келган амалиётдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, шартли мажбурият, шартли активлар.

УЧЁТ ОЦЕНОЧНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

Бутонов Шаймардан

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье представлены определение оценочных обязательств на основе международных стандартов, и характеризующие их аспекты. В статье рассмотрены особенности оценочных обязательств, основные положения по оценённым обязательствам в МСБУ №37, отличительные характеристики оценочных обязательств от других видов обязательств, порядок признания оценочных обязательств (резервов), уровни оценки вероятности выбытия ресурсов, а также предложены пять этапов признания оценочных обязательства по стимулированию на основе КРІ.

Ключевые слова: оценочные обязательства, события порождающие обязательства, юридические обязательства, обязательства вытекающие из сложившейся практики, условные обязательства, условные активы.

ACCOUNTING FOR PROVISION BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS

Butunov Shaymardan

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article provides a definition of provision in accordance with international standards and the aspects that characterize them. The article discusses the features of assessed obligations, the main provisions related to assessed obligations in IFRS 37, the distinguishing characteristics of provision compared to other types of obligations, the procedure for recognizing provision (reserves), the levels for assessing the probability of resource outflow, and proposes five stages for recognizing an assessed obligation related to KPI-based incentives.

Keywords: provision, obligating events, legal obligations, obligations arising from existing practices, contingent liabilities, contingent assets.

Кириш.

Янги Ўзбекистонда жадал суръатлар билан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МҲХС)га ўтилмоқда. Бу жараён ҳар бир МҲХСларини чуқур таҳлил қилиш, унинг мазмунини баён этиш, амалиётда қўллаш методологияси жорий қилишни талаб этади. Бугунги кунда долзарб бўлиб турган халқаро стандартлардан бири бу 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” стандарти ҳисобланади. Ушбу стандартдаги баҳоланган мажбуриятларни тан олиш ва баҳолаш масалаларини амалиёт асосида тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда халқаро стандартларга баҳоланган мажбуриятларнинг таърифи, унинг жиҳатлари, баҳоланган мажбуриятлар ҳисобининг асосий қоидалари ва уларнинг қўлланилиши, баҳоланган мажбуриятнинг бошқа мажбуриятлардан фарқли жиҳатлари, баҳоланган мажбуриятлар (резервлар)ни тан олиш ва баҳолашнинг методологик масалалари ўз ечимини тўлиқ топган эмас. Аксарият корхоналар ўзларининг балансларида баҳоланган мажбуриятларни акс эттирмасдан келмоқда. Баҳоланган мажбуриятларнинг турлари, уларни баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришда услубий тавсиялар етарли эмас. Ушбу ҳолатлар баҳоланган мажбуриятлар ҳисобини МҲХСлари асосида ташкил этиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш долзарблигидан далолат беради. Хулоса қилиш мумкинки, ушбу мақал айнан юқоридаги масалаларга бағишланганлиги боис, долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Қонунчиликда ёки корxonанинг ўзининг амалиёти билан маълум бир мажбуриятларни юзага келадиги, уларда ноаниқликлар мавжуд бўлиб, натижаси бир қанча келгусидаги ҳолатларга боғлиқ бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда (1996) истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари белгилаб берилган: “Нуқсонли товар сотилганда истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли: товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш; товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш; товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларини бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш; харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш; шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.” Бундай ҳолларда ташкилотнинг харидорлар олдида маълум мажбуриятлари юзага келади, ундан қочиш бўлмайди, уларни тан олиш, баҳолаш ва акс эттириш талаб этилади. Бундай мажбуриятлар баҳоланган мажбуриятлар бўлади.

Жаббарова (2024) муаммонинг долзарблигини куйидагича тавсифлайди “...Бироқ, амалиётда айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан баҳоланган мажбуриятлар ва шартли мажбуриятларни ҳисоблаш, ҳисобга олиш, молиявий ҳисоботда акс эттириш ва унга изоҳларда маълумотларни ёритиб беришда 37-сон БҲХСда белгиланган қоидаларнинг тўғри талқин қилинмаслиги натижасида ахборотдан фойдаланувчиларга уларнинг характери, вақтини ва қийматини тушуниши учун етарлича маълумотлар билан таъминланмаяпти. Бу эса, уларни ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга салбий таъсир кўрсатмоқда.”

Ташназаров (2016) кафолат бўйича мажбуриятларни бухгалтерия балансида алоҳида сатрда акс эттиришни таклиф этади: “Иккинчидан, амалдаги бошқа кредиторлик қарзлар гуруҳига кирувчи мажбуриятларнинг таркибидан бир қанча мажбуриятлар, жумладан кафолатлар, фоизлар, роялти бўйича мажбуриятлар, узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми ҳар бири алоҳида баланс модда сифатида ажратилди”. Бу таклифлар халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келади деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотчи Очилов (2024) “Молиявий ҳисоботларда ахборотларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида ҳисоб сиёсатида баҳоланадиган мажбуриятларни тан олиш тартиби таклиф этилган ва кутилаётган қиймат усули орқали баҳолаш асосланган”.

Неъматов (2022) томонидан мажбуриятларни “юзага келиш эҳтимолини баҳолаш асосида ҳақиқий мажбуриятлар, баҳоланадиган мажбуриятлар ва тасодифий мажбуриятлар” га таснифланган.

Шавлугов (2015) Россиядаги ПБУ8/2010 “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли активлар ва шартли мажбуриятлар” ҳужжати талабларидан келиб чиқиб, “мажбуриятлар бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилганда тан олинади:

Мақаррарлиги: ташкилотда мажбурият юзага келади, қачонки ундан қочиб бўлмайди; Харажатнинг эҳтимолиги: мажбуриятлар ташкилотнинг иқтисодий нафини камайишига олиб келади, яъни харажатлар муқаррар юз беради” каби ҳолатларни қайд этади.

Чумаченко (2015) “...ушбу кўрсатмалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ташкилот баҳаланган мажбуриятларга алоҳида эътибор қаратиши лозим, қайсики унинг шаклланиши баҳоланадиган миқдор соҳасига тааллуқли ҳисобланади ҳамда профессионал мушоҳадага асосланади.”

Кавтур (2025) “Баҳоланадиган мажбуриятлар меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлар, хусусан фойдаланилмаган таътилар учун тўловлар, бонуслар ва чиқиш нафақаоари, қайсики ушбу мажбуриятлар прогнозлар асосида шакллантирилади ва баҳолашнинг турли хил усуллари қўллашни тақозо этади.”

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, муаллифлар баҳоланган мажбуриятларнинг у ёки бу жиҳатларини очишга ҳаракат қилишган, лекин унинг барча жиҳатларини мужассамлантирувчи таъриф, тан олиш ва ҳисобларда акс эттириш усуллари баён қилувчи ишлар етарли эмас.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотнинг методологияси халқаро стандартлар асосида баҳоланган мажбуриятлар ҳисобининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган. Тадқиқотда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари, уларнинг миллий бухгалтерия тизимига интегралсияси ҳамда мажбуриятларни баҳолаш механизмларини чуқур таҳлил қилиш мақсадида тизимли, иқтисодий-таҳлилий, компаратив, дедуктив ва индуктив ёндашувлар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мажбуриятлар ҳисоби бўйича амалиётдан хулоса қилиш мумкинки, бухгалтерия ҳисобида кўпчилик мажбуриятларни баҳолаш асосида аниқланади. Мушоҳада қилиб баҳолаш асосида тан олинган мажбуриятлар баҳоланган мажбуриятлар деб аталади. Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, баҳоланган мажбуриятларга қуйидагича таъриф келтирамиз:

Баҳоланган мажбуриятлар деганда, мажбуриятни туғдирувчи ҳодиса натижасида юзага келадиган, унинг суммаси ёки муддати аниқ бўлмаганлиги боис, мушоҳада қилиш асосида баҳоланган ва сўндирилиши келгусида иқтисодий нафни мужассамлантирган иқтисодий ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келадиган мажбуриятларга айтилади.

37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” стандарти резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларни ҳисобга олишда қўлланилади, бунга бошқа стандартларнинг аниқ талаблари қўлланиладиган резервларни (баҳоланган мажбуриятлар) ҳисобга олиш кирмайди (1-расм).



1-расм. 37-сон БҲХСнинг мақсади.

37-сон БҲХС шундай резервларга нисбатан қўлланиладики, қайсики улар мажбуриятларни тан олиш мезонларини қаноатлантиради, лекин, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда активлар қийматининг коррективировкаси бўлган резервларга (асосий воситалар амортизацияси, гумонли қарзлар бўйича резерв) нисбатан эмас. Стандарт реструктуризация бўйича резервларга ҳам қўлланилади.

37-сон БҲХСда резервлар, мажбуриятлар, мажбурият туғдирувчи ҳодисалар, юридик (ҳуқуқий) мажбуриятлар, юзага келган амалиётдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар, шартли активлар, обрементал контрактлар, реструктуризация каби атамаларга таъриф берилган.


1-жадвал

37-БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” стандартидаги атамалар тавсифи

Атамалар	Атамаларнинг тавсифи
Баҳоланган мажбуриятлар (provision)	- бу аниқ бўлмаган суммадаги ёки тўланиш муддати аниқ бўлмаган мажбуриятлар
Мажбуриятлар (liability)	- бу компаниянинг ўтган ҳодисалар натижасида юзага келган мажбурияти, унинг бажарилиши натижасида иқтисодий нафни мужассамлантирган ресурсларнинг компаниядан чиқиши кутилади
Мажбурият туғдирувчи ҳодисалар (obligating event)	- бу юридик мажбуриятларни ёки юзага келган амалиётдан келиб чиқадиган мажбуриятларни туғдирувчи ҳодисалар бўлиб унинг натижасида компанияда уни бажаришдан бошқа альтернативаси мавжуд бўлмайди
Юридик (ҳуқуқий) мажбуриятлар (legal obligation)	- бу қуйидагилардан юзага келувчи мажбуриятлардир: шартнома (у орқали аниқ ва эҳтимол қилинадиган шартлар); қонунчилик ёки ҳуқуқий меъёрларнинг бошқа талаблари;
Юзага келган амалиётдан келиб чиқадиган	- бу компаниянинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўлиб ҳисобланади, яъни бу мажбуриятлар олдинги фаолият амалиёти нашр қилган сиёсати ёки компаниянинг бошқа

мажбуриятлар (constructive obligation)	томонларга мажбуриятларни ўз зиммасига аниқ олганлигини тўғрисидаги расман тан олганлигини эълон қилиши ва бошқа томонлар тарафидан ушбу мажбуриятнинг албатта бажарилиши катта эҳтимол билан кутилиши билан изоҳланади
Шартли мажбурият (Contingent liability)	– бу: (с) бўлиши мумкин бўлган мажбурият бўлиб, қайсики ўтган ҳодисалар натижасида юза келади ва унинг юз бериши аниқ бўлмаган келгусидаги битта ёки ундан ортиқ ҳодисалар юз бериши ёки юз бермаслиги натижасидаги тасдиқланиши ҳамда компаниянинг тўлиқ назоратида бўлмайди; (d) амал қилувчи мажбурият, қайсики ўтган ҳодисалар натижасида юз беради, тан олинмайди, чунки деганда: (i) мажбуриятларни бажариш учун ресурсларнинг иқтисодий нафини ўзида мужассамлантирган қандайдир оқимларга эҳтиёжларнинг юзага келиши; (ii) мажбуриятларнинг суммаси етарли даражада ишонччиликда баҳоланиши мумкин бўлмайди
Шартли активлар (Contingent asset)	- бу компания томонидан тўлиқ назорат қилинмайдиган ўтган ҳодисалар натижасида юзага келадиган ва амал қилиши битта ёки ундан ортиқ аниқ бўлмаган келгусидаги ҳодисаларнинг бўлиши ёки бўлиши мумкин бўлганлигига боғлиқ бўлган актив

Баҳоланган мажбуриятларнинг иккита жиҳати (2-расм).



2-расм. Баҳоланган мажбуриятларнинг жиҳатлари.

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Баҳоланган мажбуриятларнинг суммаси маълум сана келмагунга қадар аниқ бўлмайди (масалан, кафолат билан сотилган товарлар қайтарилмагунга қадар, таътил бўйича харажатлар ва бошқалар). Масалан, компания кафолат бўйича товарларни сотганда харидор томонидан қайтариш юз берадими ёки юз бермайдими, қачон юз беради аниқ билмайди, буларни компания фақат келгусида юз бергандан кейин аниқ суммасини аниқлай олади. Лекин, қайтариш муқаррар, чунки ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатиб турибди, бу йил ҳам товарларнинг қайтарилиши эҳтимоли бундан мустасно эмас.

37-сон БҲХС стандартида баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олишга доир асосий қоидалари қуйидаги 2-жадвалда келтирамыз.

2-жадвал

37-сон БҲХСда баҳоланган мажбуриятларга доир асосий қоидалар

Қоида	Мазмуни
Таърифи (аниқлиги)	Бажарилиши аниқ бўлмаган муддатдаги мажбуриятлар ёки миқдори (суммаси) аниқ бўлмаган мажбуриятлар
Тан олиш мезонлари (талаблари)	- ўтган ҳодисалар натижасида юзага келадиган амал қиладиган мажбуриятлар; - иқтисодий ресурсларнинг чиқиб кетиши; - ишончли баҳолаш.
Баҳолаш	Мавжуд мажбуриятларни сўндириш учун зарур бўлган харажатларни баҳолашнинг энг яхши ҳисоб-китоби
Баҳолаш учун асос	Раҳбариятнинг мушоҳадаси, ўтган йиллар тажрибаси ёки экспертларнинг хулосаси
Баҳолашнинг ҳужжатлар билан асосланиши	Талаб этилмайди, ташкилот ҳисоб-китобларни амалга оширишда йўл қўйилишларни асослаши талаб этилади
Баҳолаш методлари	1. Кутилаётган миқдор қиймати (барча мавжуд имкониятларни уларнинг эҳтимоли асосида ўлчаш); 2. Ҳодисаларнинг энг эҳтимолли юз бериши
Ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимолини баҳолаш	Профессional мушоҳада
Дисконтлаш (келтирилган қийматда ҳисоблаш)	Қўлланилади, агарда келтирилган қиймат таъсири салмоқли бўлса
Риск, ноаниқликлар, келгусидаги ҳодисалар	Баҳоланган мажбуриятни аниқлашда ҳисобга олинади
Келгусидаги операцион зарарлар ва обременитал шартномалар	Баҳоланган мажбуриятлар яратилади
Реструктуризация	Баҳоланган мажбуриятлар яратилади.

Манба: <https://www.ade-solutions.com/msfo/articles/otsenochnye-obyazatelstva-v-msfo-i-rsbu/> асосида тузилган.

Баҳоланган мажбуриятлар бошқа мажбуриятлардан фарқ қилади. Резервларнинг савдо кредиторлик қарзлари ва ҳисобланган мажбуриятлардан фарқ қилувчи асосий белгиси ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун талаб этиладиган муддат ва келгуси харажатлар (тўловлар)га нисбатан ноаниқликларнинг мавжудлиги бўлиб ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Баҳоланган мажбуриятнинг бошқа мажбуриятлардан фарқли жиҳатлари

Фарқлаш белгилари	Бошқа мажбуриятлар	Баҳоланган мажбуриятлар
Мажбуриятнинг юзага келиши	Савдо ва ҳақиқий мажбуриятлар	Мажбуриятни туғдирувчи ҳодиса
Мажбурият суммасининг аниқлиги	Мажбурият суммаси аниқ бўлади	Мажбурият суммаси аниқ бўлмаслиги мумкин
Мажбуриятнинг бажарилиш муддати	Мажбуриятни бажариш муддати аниқ бўлади	Мажбуриятнинг бажариш муддати аниқ бўлмаслиги мумкин
Мажбуриятнинг юзага келиш объекти	Товарларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш, харидордан олинган аванслар	Солиқ низолари, кафолатли хизмат кўрсатиш баҳоланади
Ишчи ва ходимларга ҳақ тўлаш	Меҳнат ҳақи, пенсиялар, нафақалар ҳисобланади	Меҳнат таътили, йиллик натижалар бўйича рағбатлантиришлар баҳоланади
Солиқлар	Солиқлар ҳисобланади	Солиқлар бўйича низолар баҳоланади
Жамият олдида жавобгарлик	Мавжуд эмас	Атроф-муҳит ифлослантирилганлиги учун ажратмалар баҳоланади

Баҳоланадиган мажбуриятлар қуйидаги барча шарт-шароитлар бажарилган тақдирда тан олинади (3-расм):



3-расм. Баҳоланган мажбуриятлар (резервлар)ни тан олиш.

Ўтган ҳодисалар жорий мажбуриятларни юзага келтиради, қайсики бу мажбурият туғдирувчи ҳодиса деб аталади. Жорий мажбурият шундай ҳолларда юз берадики, қочонки мажбурият туғдирувчи ҳодиса юз берса. Мажбурият туғдирувчи ҳодиса деганда, ҳуқуқий ёки корхонанинг шаклланган амалиётдан келиб чиқадиган мажбурияти тушунилади, унинг натижасида ташкилотда уни тартибга солиш реал альтернативаси мавжуд бўлмади.

Корхона баҳоланган мажбуриятларни тан олишда иқтисодий ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимолини баҳолаши лозим. Масалан, иқтисодий нафни мужассамлантирган иқтисодий ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимолини жуда юқори, юқори, ўртача ёки паст деб баҳолаш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимолини баҳолаш даражалари

Эҳтимоллик даражаси	Ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли тавсифи	Баҳолаш даражаси, %
Жуда юқори	Ресурсларнинг чиқиб кетишини етарли даражада аниқликда таъкидлаш мумкин	100 % - 95 %
Юқори	Ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли чиқиб кетиши юз бермаслигига нисбатан катта	94 % - 50 %
Ўртача	Ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли энг камидан катта, лекин ўртачадан кичик	49 % - 5 %
Паст	Ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли кичик	4 % - 0 %

Манба: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30989475&pos=175;-41#pos=175;-41

Янги қонунчиликка мувофиқ кимё заводи корхоналарига атроф-муҳитни ифлослантиришни камайтириш мақсадида экологик нормаларга риоя қилишни таъминлаш мақсадида янги замонавий технологияни 2024 йил 1 январдан жорий қилишни мажбуриятчи моддалар киритилди. Агарда бажармаган тақдирда жарималар миқдори белгиланди. Лекин, ҳали 2023 йилнинг молиявий ҳисоботи тузилмаган. У ҳолда 2023 йилнинг молиявий ҳисоботида баҳоланган резервни тан олиш ва акс эттириш талаб этиладими?

2023 йилнинг молиявий ҳисоботида баҳоланган мажбуриятларни акс эттириш талаб этилмайди, чунки 2023 йилда янги технологияларни ўрнатиш ва ўрнатилмаган тақдирда жарималар бўйича мажбурият туғдирувчи ҳодиса юз бермади.

Агарда компания 2024 йилдан янги технологияларни жорий этмаса, у ҳолда жарималарни баҳолаши ва уни баҳоланган мажбурият сифатида тан олиши шарт.

Баҳоланадиган мажбуриятларнинг асосий таркибий қисмларини тан олиш масалалари билан танишиб чиқайлик. Масалан, корхонада йиллик эришилган натижалар асосида менежерларга, бошқарув аппарати ходимларига KPI кўрсаткичларини бажарганлиги учун рағбатлантириш кўзда тутилган. KPI бўйича кимни қанчага рағбатлантириш бўйича қарорни директорлар Кенгаши ҳал қилади. Кейинги йиллар амалиёти шунини кўрсатадики, бу амалиёт корхонада мувоффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Баҳоланадиган мажбуриятларни тан олишни бешта қадамга ажратиш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

KPI асосида рағбатлантириш бўйича баҳоланган мажбуриятни тан олиш

Қадамлар	Мазмуни
1-қадам. Мажбуриятнинг ўтган ҳодисалар натижасида юзага келиши	Корхона KPI асосида ходимларни рағбатлантириш сиёсатини қабул қилинган. Менежерлар ва бошқарув аппарати ходимлари йил давомида рағбатлантириш олишни истаб меҳнат қилишган ва маълум натижаларга эришган
2-қадам. Мажбуриятнинг амал қилиши (ундан қочиб бўлмаслик)	Амал қилинган тажрибаларга (қабул қилинган сиёсатга) асосан ташкилот ушбу мажбуриятни бажармасдан иложи йўқ. Акс ҳолда эса, бу ходимларни рағбатлантиришини сусайтиради, келгусидаги натижаларимизга таъсир кўрсатади, ходимлар қўнимсизлиги ошади, ходимлар олдида корхонанинг нуфузи (репутацияси)ни пасайтиради
3-қадам. Иқтисодий нафни мужассамлантирувчи ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келади (эҳтимоли 50% дан катта)	Кейинги йиллар тажрибаси шунини кўрсатидик, корхона мунтазам KPI бўйича рағбатлантиришларни амалга ошириб келган. Ушбу мажбуриятнинг бажарилиши иқтисодий ресурсларнинг, яъни пул маблағининг чиқиб кетишига олиб келади. 50% катта эҳтимол билан пул маблағлари рағбатлантиришга йўналтирилади
4-қадам. Мажбуриятни ишончли баҳолаш мумкин	KPI кўрсаткичлари асосида рағбатлантириш тартибига асосан рағбатлантириш суммасини ишончли аниқлаш ва баҳолаш мумкин
5-қадам. Ходимларни рағбатлантириш бўйича баҳоланган мажбуриятлар тан олинади	Баҳоланган мажбурият тан олинади, чунки рағбатлантиришнинг суммаси ноаниқлик мавжуд. Директорлар Кенгаши уни ошириш, бекор қилиш ёки камайтириш, кимга қанча тўлаш тўғрисида қарорига боғлиқ бўлади. Бу қарор қандай қабул қилинади олдиндан аниқ эмас, кимга қанча рағбатлантириш суммаси олдиндан аниқ бўлмайди

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Хулосалар ва таклифлар.

Ушбу тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Халқаро стандартларга мувофиқ келадиган баҳоланган мажбуриятнинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Ушбу баҳоланган мажбуриятларнинг

мажбуриятни туғдирувчи ҳодиса натижасида юзага келиши, унинг суммаси ёки муддати аниқ бўлмаганлиги, мушоҳада қилиш асосида баҳоланадиган ва сўндирилиши келгусида иқтисодий нафни мужассамлантирган иқтисодий ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келиши каби жиҳатлари таърифда ўз ўрнини топган. Ушбу таъриф баҳоланган мажбуриятлар ҳисобининг концептуал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

2. Ушбу мақолада баҳоланган мажбуриятларнинг жиҳатлари, 37-сон БҲХСда баҳоланган мажбуриятларга доир асосий қоидалари, баҳоланган мажбуриятнинг бошқа мажбуриятлардан фарқли жиҳатлари очиб берилди. Ушбу тавсиялар баҳоланган мажбуриятларни уларни бошқа мажбуриятлардан алоҳида идентификация қилиш, ҳисобларда қайд этиш имкониятини беради.

3. Баҳоланган мажбуриятлар (резервлар)ни тан олиш тартиби, ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимолини баҳолаш даражалари баҳолаш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялар баҳоланган мажбуриятларни тўғри тан олиш ва ҳисобда акс эттирилаётган ахборотларнинг ҳаққонийлик ва ишончлилик даражасини оширишга хизмат қилади.

4. КРІ асосида рағбатлантириш бўйича баҳоланган мажбуриятни тан олиш бешта босқичдан иборат қадамлари тавсия этилди: 1-қадам. Мажбуриятнинг ўтган ҳодисалар натижасида юзага келиши; 2-қадам. Мажбуриятнинг амал қилиши (ундан қочиб бўлмаслик); 3-қадам. Иқтисодий нафни мужассамлантирувчи ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келади (эҳтимоли 50% дан катта); 4-қадам. Мажбуриятни ишончли баҳолаш мумкин; 5-қадам. Ходимларни рағбатлантириш бўйича баҳоланган мажбуриятлар тан олинади. Ушбу босқичларда баҳоланган мажбуриятларни тан олиш уларни сифатли акс эттириш, хатоларнинг юз бермаслиги, бухгалтерия маълумотларининг сифатини ошишига хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

Жаббарова (2024). Мажбуриятларни тан олишнинг айрим жиҳатлари // *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1-son, yanvar www.e-itt.uz 347, 345-351-б.

Кавтур (2025). Оценочное обязательства и оценочное резервы. //Международный научно-исследовательский журнал «Прогрессивная экономика» №1. <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenochnye-obyazatelstva-i-otsenochnye-rezervy-analiz-otsenochnyh-obyazatelstv-po-oplate-truda/viewer>

Қонун (1996). Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиликлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 26 апрель (кейинги ўзгаришлар билан). <https://www.lex.uz/acts/4704>

Неъматов (2022). Ўзбекистонда нодавлат номижорат ташкилотлари мажбуриятлари ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш //“Экономика и социум” №7(98) www.iupr.ru

Очилов (2024). “Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш” //<https://oak.uz/pages/8448>

Ташназаров (2016). Корхоналар мажбуриятларини бухгалтерия балансида акс эттиришни такомиллаштириш //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь.

Чумаченко (2015). Оценочные обязательства организации как объект бухгалтерского учета и элемент бухгалтерской отчетности организаций //https://www.researchgate.net/journal/Russian-Journal-of-Entrepreneurship-2409-4420?_tp=eyJjb250ZXh0Ijp7ImZpcnN0UGFnZSI6InB1YmtpY2F0aW9uIiwicGFnZSI6InB1YmtpY2F0aW9uIn19